

Зоҳиджон Обидов

---

Куйла,  
дилкаш дуторим



Қўшиқлар

Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
1983



Китоб шоирнинг даврни, ёшлик ва соф муҳаббатни мадҳ этувчи энг яхши қўшиқларидан дасталанди. Шеърлар равон, ўйноқ ва шўх, майин лиризм билан суғорилган. Шунинг учун ҳам уларнинг халқ орасида севиб куйланиши бежиз эмас.

Тақризчи Т у р о б Т ў л а

© «Еш гвардия» нашриёти, 1983

## АВЖ ҚИЛСАМ ДЕЙМАН

(Бағишлов ўрнида)

*Гул узатиб кўрк очар кўклам,  
Кўкатлардан кўрпача тўшаб,  
Жилва қилиб тонг боқар кўркам,  
Атлас кийган қизларга ўхшаб.*

*Ким бўлмаган баҳорга ошиқ,  
Ким боқмаган тонгларни суйиб.  
Ким айтмаган баҳорга қўшиқ,  
Ер бағрини ағдариб қўйиб.*

*Кўклам каби боққим келади,  
Шеърлардан гулдаста тузиб.  
Тонгдай қалбга оққим келади,  
Лоқайдларнинг тинчини бузиб.*

*Қўшиқларим қалбим элчиси,  
Гўзалликдан айтгум тарона.  
Жўшқин куйим завқим белгиси,  
Ҳар бир кунга мендан тўёна.*

*Сени жондан севаман ҳаёт,  
Соз чертаман қўшиқчинг бўлиб.  
Куйларимга бахш этдинг қанот,  
Ҳайқиргим бор юртни тўлдириб.*

*Юрт шавқининг дилда мавжи бор,  
Жўшиб, жўшиб авж қилсам дейман.  
Куйлаб туриб узилади тор,  
Куйлаб туриб узилсам дейман.*

# ШАРАФЛАЙМАН

## ШОҲИ СЎЗАПА

Гул тикдим чамап-чамап,  
Жило бериб шаакка.  
Доҳий расмин чекамап  
Ҳам шоҳи, ҳам юракка.

Мен яратган бўстонда  
Ленин назар таплайди.  
Меҳри азиздир жондап,  
Боқсам кўнглим яшпайди.

Қўшиқ тўқиб доҳийга,  
Помин тилдап қўймайман.  
Расмин чекиб шоҳига,  
Боқиб асло тўймайман.

Тикдим шоҳи сўзапа,  
Элга ҳадя бўлсин деб.  
Юртга қилай тўёпа,  
Кремлда турсин деб.



## ПАРТИЯ, СЕН ШОНИМИЗ

Октябрь қуёшисап, баҳор бердинг ҳар дилга,  
Бахш этиб бахтли даврон, эрк нурин сочдинг элга.  
Ўтлардан олиб ўтдинг, зафарга машғал тутдинг,  
Ўзинг раҳнамо бўлдинг, юрт яшнар йилдан-йилга.  
Партия, сен шонимиз,  
Фаҳримиз, виждонимиз.

Коммунизм тонларин кўзга кўрсатдинг аён,  
Дилга шавқ солар ҳар зум сафолни ўктам даврон.  
Ҳаёт қанот бахш этди, еру кўкда азмизиз,  
Ҳар бир лаҳзамиз дoston, босган изимиз бўстон.  
Партия, сен шонимиз,  
Фаҳримиз, виждонимиз.

Ҳар йўриғинг машғалдир истиқболли йўлларда,  
Еғду сочар ҳамиша байроқ бўлиб қўлларда.  
Дилларга қудрат бердинг, элларга журъат бердинг,  
Ҳар ишда суръат бердинг, илҳоминг кўнгилларда.  
Партия, сен шонимиз,  
Фаҳримиз, виждонимиз.

## БАХТНОМАМИЗ ТАРОНАСИ

Бахт қонуни, юрт авжига кўзгу бўлдинг жаҳонда,  
Ғурур жўшиб тўлқин урар ҳар покиза виждонда.

Сен Октябрь тоғларида бош кўтарган Қуёшсан,  
Қуёш ботар, сен ботмайсан шуъланг ҳар бир

маконда.

Ҳар саҳифанг бахт бўстони, ҳар сатринг эрк

достони,

Тенглик, тинчлик посбонисан бу беқиёс замонда.

Сен саҳоват уммонисан, сен адолат осмони,

Ҳимматингдан юрт гуркирар, эллар омон-омонда.

Партиямиз даҳосига минг-минг шараф, ташаккур,

Бахтномамиз қўшиқ қилсак арзир бу соз давронда.



## УЧ, МАҒРУР ҚУШ, МАҒРУР ҚУШ

Тинчлик қуши ҳавола,  
жаҳон бўйлаб қанот ёз,  
Тинчлик карвони чиқсин  
йўлларда бўлиб пешвоз.  
Доим зафар ёр бўлсин,  
уч, мағрур қуш, мағрур қуш,  
Эллар сени ардоқлар,  
қил яшшидек тез парвоз.  
Кенг жаҳонни қучмоққа  
уч, бу озод диёрдан,  
Қудрат ол эллар айтган  
Тинчлик — деган шиордан.  
Ҳеч енгилмас зўр қушсан,  
продамиз рамзисан,  
Эллар омон яшасин  
уруш деган хунхордан.  
Бўл адолат элчиси,  
адоват адо бўлсин,  
Очлик вабо қузғуни  
учрайверсин қиронга.  
Доим зафар ёр бўлсин,  
уч, мағрур қуш, мағрур қуш,  
Сен қанотли ҳамроҳсан  
ҳар покиза виждонга.

## ХИЁБОНДАН УТГАНМИСИЗ

Ленин номли хиёбондан оқшомлари ўтганмисиз,  
Кўк гумбазли кошонада азиз меҳмон кутганмисиз?!  
Мармар кўлда арзи само юлдуз чайиб қилса имо,  
Пештоғи гул чойхонада дўстларга чой тутганмисиз?!  
боғ,

Ҳар қадамда чўгдай чамаи кашта ёзиб пардозланур,  
Гул атрини ҳар ёни тараб шаббода шўх парвозланур.  
Кўксин очиб чорлайди боғ, нур қўйинида порлайди  
боғ,  
Киприк қоқиб маржон чароғ минг созланиб, минг  
нозланур.

Боғ турланур, боғ нурланур, боғ гаштининг поёни  
йўқ.  
Тошдан-тошга сой тўлганур, шавқсиз ўтган бир они  
йўқ.  
Беш қитъадан меҳмон кутар, оқшомлари шундай  
ўтар,  
Ким келса бир, ким кўрса бир бир умрга армони  
йўқ.



## БОЛ ЗАБОНИМ, ОНАЖОН

Дилда сақлай ҳар сўзингни  
бол забоним, онажон,  
Кўзлара суртай изингни  
меҳрибоним, онажон.  
Меҳринг офтобида ўсдим,  
жон фидо этдинг менга,  
Сен билан кўнглим муаввар.  
нурафшоним, онажон.  
Ҳар сўзинг зеҳнимга сайқал,  
ҳар сўзинг оромжон,  
Айлайин қадрингни машъал  
онажоним, онажон.  
Бўл дединг эл-юртга ҳамкор,  
Бўл дединг озода дил,  
Пок шончинг оқламоқ аҳд,  
сен жаҳоним, онажон.  
Бул ҳаёт бўстонларига  
сен каби меҳрим тўкай,  
Зеб берай юртимга то бор  
бўлса жоним, онажон.  
Асрайин қадрингни жондай  
дейди Зоҳиджон мудом,  
Бул Ватан тимсолидирсан  
онажоним, онажон.

## ДЎСТЛАРГА ТУТАМАН

Бинафша рангида товланар осмон,  
Чарақлаб нур сочар қуёш бошимда.  
Куртаклар танига сиғмасдан бу он  
Ёқасин чок этиб турар қошимда.

Тапамга сиғмасдан мен ҳам бу айём  
Кенг қирлар қўйнига ураман ўзини.  
Қаршимда ёмғирга тутиб ёқут жом,  
Лолазор ястапиб қувнатар кўзини.

Саватим тўлади илк лолаларга,  
Қалбимда чалинур минг наво, минг соз.  
Дил ўхшар жўш урган шалолаларга,  
Кўкатлар ёзаркан кўм-кўк пойандоз.

Саватда яшнайти арғувон лола,  
Севаман юртимнинг навбаҳорини.  
Дўстларга тутаман армуғон лола,  
Лоламас, гулларнинг байроқдорини.



**«ОҚ ОЛТИН»  
КАРВОН-КАРВОН**

«Оқ олтин» карвон-карвон,  
Ер машина рулида.  
Пахтадан ясай хирмон  
Ер ўтган йўл бўйида.

Йўл ёқаси теракзор,  
Шохидаи тутқазмайди.  
Беллашганда бизнинг ёр,  
Ҳеч кимга ютқизмайди.

Оқ олма, қизил олма,  
Ер ўтганда отаман.  
Карвондан ортда қолма,  
Дўстлардан уятаман.

Шийнон олди гул ҳовуз,  
Бекорга гул узмайман.  
Ёрга берган сўзим-сўз,  
Ундан кўнгил узмайман.

Чамбарак қилган сочим  
Белга тушганда кўринг,  
Ёрим меҳнатда лочин,  
Йўлга тушганда кўринг.

«Оқ олтин» карвон-карвон,  
Ер машина рулида.  
Пахтадан ясай хирмон  
Ер ўтган йўл бўйида.

## БҮЗ ЕРДАГИ БҮЗ ЙИГИТ

Бүз ердаги бүз йигит,  
Жондан ширип сүз йигит,  
Мунча зимдан қарайспз,  
Қошлари қундуз йигит.

Чаноғни ёрди ғўзам,  
Ҳар кўсак олтин кўзам.  
Қош чимирманг теримда,  
Бригаданғиздан ўзсам.

Олма оқиб келади,  
Беҳи қалқиб келади,  
Сизлардан олган байроқ,  
Ўтдек балқиб келади.

Илгорлар тенгдошимап,  
Қирқ қизларнинг бошимап.  
Илдам бўлинг, жон ака,  
Чечанлар йўлдошимап.



## АЗИМ ДАРЁ

Аму дарё, шер дарё,  
Мулча сагчиб оқасан!  
Шовқинг солиб бир дунё,  
Мулча асов боқасан!

Азим дарё бўлсанг ҳам,  
Ҳайбатингга инонма.  
Азми танҳо бўлсанг ҳам  
Тиз чўк, янги инсонман.

Тушовлаб эс-хушингни  
Тақна чўлга ташлайман.  
Топ деб иқбол қушингни  
Бахт йўлига бошлайман.

Чўл қўйнига қулоқ сол,  
Тилсимм бор тубида.  
Ўдратимдан чирой ол,  
Чақнаб гўза тушида.

Азим дарё бўлсанг ҳам,  
Ҳайбатингга инонма.  
Ўаҳринг тийиб боқ бир дам,  
Мен соҳибм давронмаи.

## КҮНГЛИМ ҚАРШИ ЧҮЛИДА

Завқим қанот бойлайди,  
Кўнглим Қарши чўлида.  
Меҳнат завқи қайнайди  
Гибёҳсиз ўнг, сўлида.

Ташна саҳро жон олсин,  
Кумуш канал жимиллаб.  
Ой акс этиб тўлгансин,  
Чўлда денгиз лимиллаб.

Чўлни қувсин чамаплар  
Бўстон бўлиб, гул бўлиб.  
Юлдуз ўнсин хирмонлар,  
«Оқ олтин»им мўл бўлиб.

Қўшиқ бўлсин, куй бўлсин  
Шавқли ҳаёт жамоли.  
Чўл қўйнида тўй бўлсин  
Нурли ишқнинг камоли.

Кенг уфқлар жилоси  
Киприкларим учида.  
Қудратимиз жилоси  
Бахтли замон кучида.

## ЗАР ҰЙНАЙДИ ЗАРАФШОН

Зар ұйнайди Зарафшон  
Қиргоқ ошиб, қум ошиб.  
Шұх юлдузлар нурафшон  
Изларимдан қувлашиб.

Қизилқумга йўл олдым  
Хазинага кирай деб,  
Қум қўйнига қўл солдым,  
Юртга олтин берай деб.

Тоғу тошлар оралаб,  
Дўстлар билан йўл ошдым.  
Ер бағрини поралаб,  
Кон устига кон очдым.

Манзил кўрдым чўл қушлаб,  
Эртақда йўқ губори.  
Кўкда қуёш, ой қушлаб,  
Бир кўрмаса хумори.

Чўл уйғониб қўшиқдан,  
Дил тўлғанур куйига.  
Иноқ элга ошиқмап  
Заршунослик кўйида.

## ЧОРВОҚДАН ДОВРУҚ СОЛАЙ

Рўмолим тушди кетди  
Дарёнинг шамолига.  
Хаёлим учди кетди  
Чорвоқнинг жамолига.  
Жон-эй, ҳай жон-эй,  
Ўзим ўргулай,  
Меҳнатда ҳамдам бўлай,  
Эй вой санам.

Дарёни олай дейман  
Янги денгиз қўйнига.  
Занжирлар солай дейман  
Бўз тўлқинлар бўйнига.  
Жон-эй, ҳай жон-эй,  
Ўзим ўргулай,  
Соҳилда бирга қолай,  
Эй вой санам.

Бўз ерлар бўстон бўлсин  
Биз яратган денгиздан.  
Нурхонам дoston бўлсин  
Элу юрт рози биздан.  
Жон-эй, ҳай жон-эй,  
Ўзим ўргулай,  
ГЭС очиб ўйнаб-кулай,  
Эй вой санам.

Мен борай борганимча,  
Нур тараб юрт бағрига.  
Шуъла сочай ҳар кеча  
Элнинг қишлоқ шаҳрига.  
Жон-эй, ҳай жон-эй,  
Ўзим ўргулай,  
Чорвоқдан доврўқ солай,  
Эй вой санам.

## МЕҲР БЎСТОНИ

Водийларда тоғ таровати,  
Тоғдан ошиб қуёш одимлар.  
Меҳмондўстлик юртим одати,  
Қучоқ очиб уфқлар имлар.  
Бу — менинг ўлкам,  
Пахтакор кўркам.

Баҳористон бу ўктам диёр,  
Бол тўкади боғи-бўстони.  
Ҳар кун бунда янгича оҳор,  
Булбулларда шавқли достони,  
Бу — менинг ўлкам,  
Али қадам кўркам.

Водийларга куй ва нур оқар,  
Каналлардан ел эсар масрур.  
Чўл ясанган келиндай боқар,  
Бунда эллар қон-қардош ва ҳур,  
Бу — менинг ўлкам,  
Кундан кун кўркам.

Ери олтин саҳий юртим бор,  
Ўзбекистон шарафли ном.  
Дўстлар билан ади қадим бор,  
Қуёшдандир нур тўла жом,  
Бу — менинг ўлкам,  
Бахтиёр кўркам.

## ДАВРА ТАРОНАСИ

Шан ҳаётини шарафлайди жўшқини наволар,  
Шавқдан ҳар кун қушлар мисол кўнгил ҳаволар.  
Юрт бахти деб азм этаркан хеш-ақраболар,  
Шон таралур таралгандек боди саболар.

Кенг жаҳонга жаранг солсин ўлкам авжлари,

Она юртим, сенга жўшқин юрак мавжлари.

Тупроғи зар, эли заргар ўктам диёр бу,  
Қуёшга тўш керган саҳий кўркам диёр бу.  
Боғлари бол, соҳибжамол тамтам диёр бу,  
Тенглар аро иқболни тенг ҳамдам диёр бу.

Кенг жаҳонга жаранг солсин ўлкам авжлари,

Она юртим, сенга жўшқин юрак мавжлари.

«Оқ олтин»га қондир букун қадим ерлари,  
Дил яйратар бўз ерларининг сарин еллари.  
Довруқ солур бунда юртим иноқ эллари,  
Ўлкамизга кўрк ва қудрат меҳнат шерлари.

Кенг жаҳонга жаранг солсин ўлкам авжлари,

Она юртим, сенга жўшқин юрак мавжлари.

Инқилобдан офтоб кўрган тўкип бўстон бу,  
Шаҳарлари маҳобатли Ўзбекистон бу.  
Суръатига суръат қўшган янги даврон бу,  
Ильич берган ёғду билан юлдузистон бу.

Кенг жаҳонга жаранг солсин ўлкам авжлари,

Она юртим, сенга жўшқин юрак мавжлари.

## ЎЗБЕКИСТОН КУЙЛАГАЙ

Жаранг солиб жаҳонга Ўзбекистон куйлагай,  
Бахтдан қувнаб ҳарёнга Ўзбекистон куйлагай.  
Шуҳратин буркаб шонга Ўзбекистон куйлагай,  
Таҳсин деб бу замонга Ўзбекистон куйлагай.

Қуёшдан тож кияр тоғ, нузли тоғлар сафоли,  
Бўстонлари бўлиқдир, дарёлари саболи.  
Шарафли меҳнатидан мудом тўкиш иқболи,  
Боши етиб осмонга Ўзбекистон куйлагай.

«Оқ олтин»дан хирмони бўйларига бўй қўшар,  
Бўз ерлар янги бўстон, булбуллар куйлаб жўшар,  
Дўстликдан қудрат олиб эл иноқ давон ошар,  
Шавқ қўшиб соз давронга Ўзбекистон куйлагай.

## МИРЗАЧЎЛНИНГ ҚИЗИМАН

Сув оқар гулдур-гулду,  
Севганим қизил гулдир.  
Бункерим олтин сандиқ,  
Зангори кемам дулдул.

Босган изим боғ бўлди,  
Боқсам кўнгиш чоғ бўлди.  
Ҳар ғўзам оқ кабутар  
«Оқ олтин»им тоғ бўлди.

Мен Мирзачўл қизиман,  
Пахтазор юлдузиман.  
Шон топдим, шараф топдим  
Турсунойнинг изидан.

## ГҮЗАЛ ФАРҒОНАМ МЕНИНГ

Бир келсам, баҳор эди,  
Тонг кулиб боқар эди.  
Қуёш тоғдан тиг солиб,  
Булутни ёқар эди.  
Гүзал Фарғонам менинг,  
Асл дурдонам менинг.

Булбулларга дарсхона —  
Экансан, эй Фарғона.  
Ҳар гулча гул тутибдир  
Хуснингга ошиқона.  
Гүзал Фарғонам менинг,  
Гулу гулхонам менинг.

Бир келганда ёз кўрдим,  
Ҳар дарахта ноз кўрдим.  
Тонгдай юзли қирқ кочил  
Қизлар қаддин гоз кўрдим.  
Гүзал Фарғонам менинг,  
Қиздай жононам менинг.

Пешвоз чиқар хирмонлар,  
«Оқ олтин»ли карвонлар!  
Ҳар чаноқдан бахт топар  
Қўшпқчи қиз, жувонлар.  
Танги Фарғонам менинг,  
Меҳри парвонам менинг.

Қишинг файзи соз экан,  
Завқинг билан ёз экан.  
Ҳар гўшангда тўйхона,  
Қанча кезсам оз экан.  
Ишчан Фарғонам менинг,  
Тўю тўйхонам менинг.

Юлдузли осмонимсан,  
Туганмас дostonимсан.  
Эртақда ҳам топилмас  
Мангулик бўстонимсан.  
Завқли Фарғонам менинг,  
Шавқли Фарғонам менинг. —

## МУНЧА ИССИҚ ЭКАН ЮЛДУЗИНГ

(Қиз қўшиғи)

Ўт қарашлар, ёниб қарашлар  
Ўз ҳолимга нега қўймайсиз.  
Бағри тош деб ёниб қарашлар  
Қачонгача мени қийнайсиз!?

Чертиб қўйдинг кўнгиш торини,  
Мунча иссиқ экан юлдузинг.  
Сир сақлайман кўнгиш зорини,  
Изҳори дил бошла сен ўзинг.

Қалбим севгинг қўйган тузоқда,  
Кўнгиш зимдан сени сўроқлар.  
Дил ўйнайди кўрсам узоқдан.  
Ўртайди жон ўтли нигоҳлар.

Васлингши дер эрта-кеч хаёл,  
Мунча иссиқ экан юлдузинг.  
Иккимиз ҳам ишқ сеҳрида лол,  
Изҳори дил бошла сен ўзинг.

## ЯШНА ЖИЗЗАХ ЖАМОЛИ

Яшнаб Жиззах жамоли,  
Кўз қувнатсин камоли.  
Эркаласин дилларни  
Янги боғлар шамоли.

Юринг Жиззах даштига,  
Қонинг меҳнат гаштига.  
Унсин чўлда чаманлар,  
Тан бериб эл шаштига.

Бўз ер бўйлаб сой оқсин,  
Кўзгу бўлиб ой боқсин.  
Боғлардан бол, чорвадан  
Қаймоқ қимиз, мой оқсин.

Чўлга қўшиқ, куй келди.  
Қатор-қатор уй келди.  
Қалби баҳор, қуёшлик  
Ешлик келди, тўй келди.

Осмон ўнсин хирмонлар,  
Чиқсин қатор карвонлар.  
Куй бўлсин, қўшиқ бўлсин  
Кулган орзу армонлар.

Яшнаб Жиззах жамоли,  
Кўз қувнатсин камоли.  
Эркаласин дилларни,  
Янги боғлар шамоли.

## ДУГОНАЖОН

Дугонажон, чўлга сафар олгим келади,  
Қўриқ очиб сизлар билан қолгим келади.  
Бўз ерларнинг бўстонига келганда баҳор,  
Чўл уйқусини қувиб қўшиқ солгим келади.

Боғларида шайдо булбул этсин тарона,  
Кундуз, қуёш оқшомда ой бўлсин девона.  
«Оқ олтин»дан тоғ-тоғ хирмон айлаб тўёна,  
Капитанлик рулин қўлга олгим келади.

Дугонажон, яшнасин чўл ёшлик қўридан,  
Баҳр олгандек кенг далалар баҳор нуридан.  
Чўл хаёли кетмай қолди кўнгил тўридан,  
Мен ҳам бўз ер нашъасига қонгим келади.

## МАРДИИ МАЙДОНЛАР, ЯШАНГ

Яшнасин ўлкам жамоли, тоза виждонлар, яшанг,  
Ортаверсини юрт камоли, меҳри уммонлар яшанг.  
Завқли меҳнат чин сафоли, аҳли давронлар, яшанг,  
Бизга ёр эрк бирла толе, йўқдир армонлар, яшанг.

Журъати таърифга сиғмас бул замон бизнинг замон,  
Суръати тавсифга сиғмас бул замон бизнинг замон.  
Ҳиммати таҳсинга сиғмас бул замон бизнинг замон,  
Яшнатиб босган изида боғу бўстонлар, яшанг!

Юрт ишига белни боғлаб, қайта ошгаймиз давои,  
Янги мапзилларга чоғлаб, партияи бўлсин омон.  
Азминини таъриф айлаб кўйла Зоҳиджон равон,  
Шон қўшиб эл шуҳратига, дўст-қадрдонлар, яшанг!

## ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

Яшнамас ҳаргиз бу кўнгил дўстларим дийдорисиз,  
Яйрамас жоним менниг ҳеч дилкашу дилдорсиз.

Бўлмагай айшим фаровон бўлмаса хеш-ақрабо,  
Хушнаво бермас рубоб ҳам ул жарангдор торсиз.

Дўст билан олам мунаввар, дўст билан кўнглим  
Ким дегай саҳрони бўстон гулшану гулзорсиз. чамаи,

Дилраболик лутфи таъбим авжини этгай баланд,  
Нотавон қушдек қанотсиз бу кўнгил дўст-ёрсиз.

Ушла. Зоҳиджон, баланд сён дилкушолар қадрина,  
Дилкушолар, меҳри умрим мулкниниг меъморисиз.



## НАШЪАПАВОЗ АЙЁМЛАР

Тилгинамни сайратган  
эркин замон сафоси,  
Дилгинамни яйратган  
бахтли тонглар сабоси.  
Истиқбол ишқи бошлар  
нурафшон довоиларга,  
Авжимизга авж қўшган  
тенглик, дўстлик вафоси.  
Қўшиқ бўлиб, куй бўлиб  
янгра замон нашъаси,  
Тонилгайму жаҳонда  
шундай даврон баҳоси.  
На хуш бу саз айёмлар,  
нашъапавоз айёмлар,  
Юртни шонга тўлдирди  
партиямиз даҳоси.  
Куйлаш замонидир бу,  
янгра қувноқ тарона,  
Юртга қалб қўрин бермоқ  
Зоҳиджон мудароси.



## ЕШЛИК ҚҰШИҒИ

Рақс этгали, дўстлар, келинг жўшени тарона,  
Қўшигимиз парвоз этсин янграб ҳар ёна,  
Қизлар елсин бўлиб худди гулга парвона,  
Ешлик куйи, баланд янгра, янгра мардона.

Али йигитлар, барчин қизлар, минг-минг тасанно,  
Бахт қўшиғи авжга минсин бўстонлар аро.  
Олов ёшлик даврасига, дўстлар, марҳабо,  
Шодлик, тинчлик сайли бу кун, куйланг дилрабо.

Куй ярашган, тўй ярашган давронлар гўзал,  
Рақс этгали яшнаб турган бўстонлар гўзал.  
Даврамизда дилбар қизлар, хушхонлар гўзал,  
Кел, гўзал ёр, келинг, дўстлар, хуш онлар гўзал.



## ЧҰПОН ҚИЗ ҚҰШИҒИ

Қорли тоғлар чўққисига тик қарайман,  
Қўй-қўзимни кенг яйловга тенг тарайман.  
Қиз бола деб димоғ билан боқманг ака,  
Мен ҳам сиздек чўпонликка хўп ярайман.

Эр йигитдан қиз боланинг ори қаттиқ,  
Тоғда танҳо мен деб катта кетманг ортиқ.  
Ибо билан сизга қиё боққанымда,  
«Бўшанг қиз» деб гап тўқманг ёмон-ёртиқ.

Дов берса дил тортишайлик аҳдлар тузиб,  
Тоғлар аро юриб бўлмас димоғ чўзиб.  
Етти пуштим чўпон ўтган, аёл деманг,  
Белбоғингиз ечиб олмай сиздан ўзиб.



## БАХТ ҚҰШИҒИ

Бахт қўшиғини баланд қўйсам арзир жаҳонда,  
Шонли меҳнат шавқи жўшган эркин замонда.  
«Оқ олтин»им тоғларидан боқдим оламга  
Донғи — фаҳрим, завқи — наҳрим Ўзбекистонда.

Ол байроқлар олға бошлар слиб мардона,  
Ҳар «зангори кема» узра қуёш парвона.  
Шўх қўшиқлар қанотида завқу ҳарорат,  
Куйлар само, куйлайди ер, далам тўйхона.

Қатор-қатор карвон билан аҳдим боради,  
Ваъда эмас, юртга меҳрим нақди боради.  
Барчин қизлар тўқсан хирмон оппоқ шалола,  
Ватан бўйлаб кўз-кўз бўлиб бахтим боради.

Бахт қўшиғини баланд қўйсам арзир жаҳонда,  
Донғи — фаҳрим, завқи — наҳрим Ўзбекистонда.



## ОНА ЮРТ, АРМОНИМ ЙЎҚ

Бердинг безавол ёшлик,  
Она юрт, армоним йўқ.  
Истиқболим қўёшлик,  
Она юрт, армоним йўқ.  
Бошимда эрк офтоби,  
Қўлимда бахт китоби,  
Мудом қалбим оташлик,  
Она юрт, армоним йўқ.  
Тенгликдан завқим авжи,  
Дўстликдан кўнглим мавжи,  
Эл иноқ қон-қардошдек,  
Она юрт, армоним йўқ.  
Комсомоллик ўти бор  
Юракларда, қонларда,  
Ватап деб қайнаб тошдик,  
Она юрт, армоним йўқ.  
Ленин берган байроғи  
Партиямиз маёғи,  
Доим довоилар ошдик,  
Она юрт, армоним йўқ.



## МУРАББИЙЛАР

Зеҳнимизга нур сочган  
    ассалом, мураббийлар,  
Кўнглимизга қўр сочган  
    хуш калом, мураббийлар.  
Ундар илму ҳунарга  
    Сизнинг доно сўзингиз,  
Сизга таъзим, ташаккур  
    пурилҳом, мураббийлар.  
Қамолатга чароғбон  
    меҳрибон ҳар сўзингиз,  
Мудом дил-дилимиздан  
    эҳтиром, мураббийлар.  
Сиз умримиз тонгида  
    қуёш бўлиб боқдингиз,  
Меҳнатга шавқ ёқдингиз,  
    сиз мудом, мураббийлар.  
Кўчмас кўнгли қатида  
    меҳрингиз, ҳимматингиз,  
Дилларда ҳурматингиз  
    номма-ном, мураббийлар.  
Қўйиб қўлин кўксига  
    назм айлагай Зоҳиджон,  
Шавқлар шалоласидан  
    тутиб жом, мураббийлар.

## ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ

Ой бориб, омон қайтинг,  
Марди майдоним менинг,  
Сизши дейди субҳи-шом  
Аҳди-паймоним менинг.  
Юртни ардоқ этгаплар  
Ардоқ тошар бегумон,  
Бўлинг доним соғ-омон,  
Меҳри уммонним менинг.  
Мард майдонда синалар,  
Ишқ ҳижронда дейдилар,  
Бизни синов айлағай  
Даври-давроним менинг.  
Ҳиммат камарин боғлаб  
Эл-юрт ишончин оқлаб,  
Қайтинг Ватани сақлаб,  
Кўкси қалқоним менинг.  
Аскардаги ёрга деб,  
Хат ёзай меҳрим тўкиб,  
Айтолмаган сўзларим,  
Бўлсин баёним менинг.  
Зоҳиджон гувоҳимдир  
Меҳру садоқатимга,  
Ой бориб, омон қайтинг,  
Васли армоним менинг.

## ХУШ КЕЛИБСИЗ, ЎҒЛОНИМ

Хуш келибсиз, ўғлоним,  
    Ватан посбонлигидан,  
Бошлар Қуёшга етди  
    кўнгил осмонлигидан.  
Элнинг ишончин оқлаш  
    мард йиғитнинг қарзидир,  
Чин фарзандлик фарзидир  
    виждон омонлигидан.  
Фаҳр эт тўлқинли кўнгил,  
    фаҳр эт бу дамда масрур,  
Шавқ эт азиз дилбандим  
    марди-майдонлигидан.  
Бу шавкату бу савлат  
    қамаштирар кўзимши,  
Ёруғ этгай юзимни  
    ўғлим ўғлонлигидан.  
Айлаб элга садоқат  
    фарзанд йўлладим сафга,  
Эсон-омон қайтибдир  
    замон-замошлигидан.  
Зоҳиджон, эт тарона,  
    бу таптана баҳона,  
Қудрат ол бу соз даврон,  
    ўктам давронлигидан.

# МЕҲРУ ВАФО БЎСТОНИДА

## ҚОРА КЎЗЛАР

Қора кўзлар, тимқора кўзлар,  
Қайдин кўрдим, сайёд экансиз.  
Қора кўзлар, тимқора кўзлар,  
Сайдингизман, билмасмикансиз!

Қора кўзлар, тимқора кўзлар,  
Бу жодуни қайдан олгансиз?  
Ўтга ташлаб кеча-кундузлар,  
Сир бермайсиз, айёр экансиз.

Қора кўзлар, тимқора кўзлар,  
Ҳар боқинида бағрим ёқасиз.  
Бўз тўрғайдек бу кўнгил бўзлар,  
Қачон бахтим бўлиб боқасиз...



## БЎСТОН БЎЛУР

Қўриқ ерлар бўстон эмас, бўстон бўлур,  
Синовлари осон эмас, дoston бўлур.

Чўлининг қаҳри қаттиқ, унга дош бермаган,  
Уч тўрт кунлик иззати йўқ меҳмон бўлур.

Қўриқ кутар саҳоватли юракларни,  
Довруқ қилар саодатли тилакларни.

Чўл ҳам ҳиммат қилганларга ҳиммат тутар,  
Заҳмат чексанг ширин-шакар неъмат тутар.

Бағрини очиб келганга чўл бағри очиқ,  
Меҳрини тўксанг шону шараф, иззат тутар.

Қўриқ кутар саҳоватли юракларни,  
Довруқ қилар саодатли тилакларни.

Чўл бош эгмас ўзим бўлай деганларга,  
Жон койитмай ўз гамини еганларга.

Қўриқлар юз бурар қуруқ одамлардан,  
Чўл бахт тутар қўлини қўлга берганларга.

Қўриқ кутар саҳоватли юракларни,  
Довруқ қилар саодатли тилакларни.

## ЎЛАН

### Й И Г И Т Т О М О Н :

Муборакбод учун жўшиб ўлан айтай,  
Бу оқшомга ўлап тўқиб келдим атай,  
Кўнгилни тўқ тутинг, қуда, ўғлон яхши,  
Сиз меҳмонсиз, мезбон бўлиб майлар тутай.

### Қ и з т о м о н :

Кўл юзида сузиб юрар тўп-тўп ўрдак,  
Қараб турсам, ҳаммаси ҳам худди бирдак.  
Бу даргоҳга ишда илғор келин тушди,  
Келинчакка гуллар тутинг этак-этак.

### Й и г и т т о м о н :

Дўстимизининг эл олдида ҳурмати бор,  
Меҳнат қилиб адл тутган қомати бор.  
У колхозчи йигитларнинг энг сараси.  
Қуралай кўз келинчакнинг омади бор.

### Қ и з т о м о н :

Кўрсин барча келинчакнинг камолини,  
Тўртинг, куёв ёр юзидап рўмолин.  
Ой чиққандек булутларни кўкда ёриб,  
Дугонамиз очиб қўйсин жамолин.

### Й и г и т т о м о н :

Шодлигимдан қалб тўлқинин қирғоғи йўқ,  
Тўйга келган меҳмонларнинг саноғи йўқ.  
Дадил бўлинг, келин-куёв, сабрим тошар,  
Бўсангизнинг энди асло сўроғи йўқ.

Ҳ а м м а:

Шу кунларга етиштирган бахт қуёши —  
Партияга раҳмат бўлсин аввал боши.  
Кундан кунга яшнаётган днёримда  
Равнақ топсин юртинг яна икки ёш.



## КҮЗИМ ЙҮЛИНГДА

Тонг муаттар бўстондаги бодисабода,  
Дил яшнайти булбул жўшиб қилган наводан.  
Кўнгил мулки бўстонининг қуёши кел, ёр,  
Йўлларингда бўлдим нетай, васлингга мен зор.

Эсар майини бўз ерларнинг тонги шамоли,  
Таъзим этар бўз ерларнинг янги ниҳоли.  
Сенга муштоқ бечора дил, кўзим йўлингда,  
Армоним йўқ бу бўстонда тутсам қўлингдан.

Тоғ ортидан қуёш боқиб сочин тароқлар,  
Нурга чўмиб яшнар бутун яқин-йироқлар.  
Кел эртароқ, кутдим узоқ, тонгдай кулиб боқ,  
Бўзлатма дил, бўз ерларда ойдай тўлиб боқ.



## КЕЧАЛАР ЮЛДУЗ САНАБ

Кечалар юлдуз санаб,  
    юлдуз күзүңг деб ёнаман.  
Ой магар чиқса қараб,  
    васлингми деб, тўлғонаман.  
Булбули гўёмисан,  
    дилларда гуллар очасан,  
Доғ этур рўёмисан,  
    бир зумда кўздан қочасан.  
Қочма кўп, барно нигор,  
    ишқингнинг мен парвоаси,  
Дилда борини айла ошкор,  
    тўлди сабрим косаси.  
Севмасанг шайдо этиб,  
    сен мунча зимдан боқасан?  
Дилда ишқ пайдо этиб,  
    ҳажрингда ўтдек ёқасан.  
На бўлур боқсанг қиё,  
    кўнгилда меҳринг гунчалар,  
Мунчалар гуссанг раво,  
    тошданми бағринг шунчалар.  
Мен вафо бўстони деб,  
    бердим кўнгил сен ёр учун,  
Бу жафо эҳсони деб,  
    бир кун мурувват бор учун.

## ҚАЛБИМ ҰТОВДА ҚОЛДИ

Айландим мен Олатовда,  
Қамчи босиб бедовга.  
Қимиз ичиб, бешбармоқ еб  
Меҳмон бўлдим ўтовда.

Тунда ёқдик гур-гур гулхан,  
Оқин айтди шўх ўлан.  
Ақлим олди нозли дилдор,  
Дил ўртанди дард билан.

Жаранг-журунг сўлкавойлар  
Тақмиш соҳибчиройлар.  
Шу тўп ичра олма юзли  
Бир қизни кўнглим пойлар.

Гулхан эмас бағрим ёнар,  
Қимиздан тут, дил қонсин.  
Торингни черт, оқин бобо,  
Қиз қалби ҳам уйғонсин.

Ўтолмасман Олатовдан,  
Қамчи босиб бедовга.  
Қандай кетай, қалбим қолур  
Оқ кигизли ўтовда.

## ИШҚИМ ТУШДИ ӨР-ӨР

### I

Манов тоғнинг ортида  
яшил яйлов өр-өр,  
Яшил яйловни эслаб,  
бағрим олов, өр-өр.  
Унда най чалиб қолган  
бир йнгит бор, өр-өр,  
Кел деб ҳушимни олган  
шер йнгит бор, өр-өр.  
Қушлар, учиб борсангиз,  
салом айтнинг, өр-өр,  
Турганмикин аҳдида,  
билиб қайтинг, өр-өр.  
Еллар, айтнинг, бўз йнгит  
кутармикин, өр-өр,  
Қайтишида кўчамдан  
ўтармикин, өр-өр.  
Келар бўлса, йўлга  
гуллар сочай, өр-өр,  
Келмас бўлса, қуш бўлиб,  
тоғлар ошай, өр-өр.

### II

Бир келдингу қайтмадинг,  
қайтсанг нетар, өр-өр,  
Аҳд этайлик, ёш умр  
ўтар-кетар, өр-өр.  
Сурув-сурув қўй боққан  
бўз боламан, өр-өр,  
Қуёш чиқса, сенми деб,  
кўз соламан, өр-өр.  
Сен унда зор, мен бунда,  
ўртада тоғ, өр-өр,  
Айтаверсам дил дардин  
бўлмас адоғ, өр-өр.

Қўшиқ қилиб ишқимни  
    пайга солай, ёр-ёр,  
Бедов мишиб, сен ёққа  
    пойга солай, ёр-ёр.  
Тоғда ёққан гулханни  
    дил ўтидир, ёр-ёр.  
Сен келмасанг, мен борай,  
    кўз тутиб тур, ёр-ёр.



## ДЕМАЙМАН

Булут келмай осмон қовоқ уярму,  
Келиб туриб ногоҳ ёмғир қуярму.  
Нисофнинг йўқ экан, чиндан севган ёр,  
Ўз дилдорин ўтга ташлаб қўярму.

Афсус қилиб доғнингда дил йўнарман,  
Оташ эдим, энди шинҳон сўнарман.  
Ишқ бўстонин босди ҳижрон хазони,  
Танҳо қолиб қизил гулдай сўнарман.

Сўндирма ёр, ёндирма ёр, демайман,  
Дил жўшмаса бўлгин дилдор, демайман.  
Нечун этдинг аввал мени ошифта.  
Кетсанг кетгил, қайтгил, эй ёр, демайман.

Адирдамас тоғда виқор бўлади,  
Қадрин билган нисонда ор бўлади.  
Суймаганга суйканма, дер Зоҳиджон,  
Мард одамнинг ғурури бор бўлади.



## АЙБ ЭТМА

Айб этма, қаролмайман офтобдай жамолингга,  
Талшинсам-да мен найлай, васлингга, камолингга.

Сўнган каби юлдузлар кўрсатса қуёш юзни,  
Кўргайман забун ўзни кўз тушса мисолингга.

Қалбим ёниб хат битдим, ишқимни баён этдим,  
Етгайманму деб, жоно, бир купи висолингга.

Кундуз қуёш. ҳар оқшом мен ойдан сўроқлаймче,  
Тушларимда йўқлайман, олмайсан хаёлингга.  
Ҳолим надир билмайсан, соянгдай эрур жисмим,  
Олсанг на бўлур немим ул лаблари болингга.



## БЕВАФОНИ СЕВМАНГЛАР

Бевафони севманглар, ташлар кетар,  
Ташлаб кетиб кўзларни ёшлар кетар,  
Артаверса кўз ёши аста битар,  
Дил доғини не билан артса битар.

Бир бевафо ўзгани суйди, кетди,  
Мени ҳижрон даштига қўйди, кетди.  
Мен муҳаббат бўстонига кирмасимдан,  
Не-не орзу ўйларим куйди, кетди.

Дил ўртаган юрак ўти сўнармикач,  
Кўнглим ҳижрон даштига кўнармикач.  
Кўнолмасдан ҳажрида кўз ёш тўксам,  
Кўз ёшимдан висол гули унармикач.



## КЕЛМАСМУ

Баҳор келди, севгимга фасли баҳор келмасму,  
Гулга булбул этур роз, васлимга зор келмасму?!

Қушлар ўйпар ҳавода, еллар майин навода,  
Бир мен ёлғиз афтада, ошифта ёр келмасму?!

Васл этса ҳам хумори, қўймайди қизлик ори,  
Ўтли ишқим сардори билса бир бор келмасму?!

Айтсам адо бўлмас роз, қалбим чертилмаган соз,  
Айлаб кўнглим сарафроз, ул ғамгузор келмасму?!

Ишқим дилда ҳилола, тўлишгай бора-бора,  
Фасли баҳор келибдур, васли баҳор келмасму?!



## ЎТ ТУШДИ ШИРИНИ ЖОНА

(Қиз қўшиғи)

Кўз ташлаб ҳушим олдинг,  
Мен кетдим ёна-ёна,  
Ахир не кўйга солдинг,  
Ўт тушди ширини жона.  
Қизлик ҳаёси қўймаё  
Дардимни баён этсам,  
Ўзинг арзу ҳол айла,  
Ўртаниб ошиқона.  
Сен булбулдек фирон эт,  
Ишқингни айлаб ошкор,  
Гуллар каби солиб бош,  
Тинглайини маъшуқона.  
Қиё боқмай десам ҳам.  
Қалбим сенга талиншур.  
Ахир таслим бўлур дил  
Нозидан тона-тона.  
Йигит бўлсанг, мард бўлгил,  
Гард қўнмасин дилиннга,  
Топшпрай сенга қалбим  
Васлиннга қона-қона

## ИШҚИНИГДА БАҒРИМ БИРҒН

Ишқинида бағрим бирён васлинига етмагунча,  
Сўзона бу таъу жон ҳижрониш битмагунча.

Юрсам фикру хаёлиниг, турсам ҳар лаҳза ёдиниг,  
Қўмсар ширин мақолиниг, ғамхона этма мунча.

Армон даштида зинҳор чанқоқлигим босилмас,  
Лаъли лабиниг зилоли ҳушим элитмагунча.

Хуснинини мадҳ этурлар қанча-қанча шайдолар,  
Хушомадлар кўнидан димоғлаб кетма мунча.

Пайлар офтоб жамолиниг бахтимга баҳор берса,  
Ишқинида йўқ ҳаловат тарки жон этмагунча.



## НОРИНДЕК ШҰХ ГҰЗАЛСАП

Эртакда ҳам йўқ қизсап,  
Норин каби шўх қизсап.  
Икки бети нақш олма,  
Дудоқлари чўғ қизсап.

Ўсмамикни қўйганинг,  
Сурмамикни қўйганинг.  
Шундай ҳам шайдо эдим,  
Етмасмиди куйганим.

Норин бўйлаб йўл олдим,  
Пахтазорга кўз солдим.  
Боқмасам бўлар экан,  
Ишқингда куйиб қолдим.

Сен дилбаршинг кўйида,  
Қолдим Норин бўйида.  
Шаҳримга кетолмайман  
Висолиганинг ўйида.

«Оқ олтин»дап хирмонинг,  
Борми асло армонинг.  
Ишқингда бўйдоқ ўтсам,  
Куймасми зарра жонинг.

## ДОНО БЎЛИБ КЕЛ

Руҳсорни раъно, барно бўлиб кел,  
Меҳру вафода Лайло бўлиб кел.

Оҳу кўзинг деб оҳингда ёнмай,  
Ҳар тонг қуёшдек пайдо бўлиб кел.

Айлаб гумонлар бегона бўлма,  
Донолар ичра доно бўлиб кел.

Зулфингни киприк бирлан тароқлай,  
Сен кўзларимга жило бўлиб кел.

Зоҳиджонингга меҳрингни товлаб,  
Битмас-туганмас дунё бўлиб кел.



## КУЙЛА, ДИЛКАШ ДУТОРИМ

Куйла, дилкаш, садоқатли дуторим,  
Ёзиб дилдан ёр ишқида хуморим.  
Қалб садоси бўлиб янгра қўлимда,  
Зарра қўймай бу кўнгилнинг губорини.

Ҳамдамим бўл, уйқу қочган кечалар,  
Интизорлик дафтар очган кечалар.  
Ҳар пардада висол шомин эт яқин,  
Қўмсатур ёр бирга юрган кўчалар.

Дардлашурман бошинг босиб кўксима,  
Ёр келганда четда қолиб ўксима.  
Ёр кетганда қўлга олсам ўртаниб,  
Дилкашим бўл, нозланиб сен йўқ дема.

## ЁР ВИСОЛИ КҮЙИДА

Ишқ дардига ташлаб, даво қилмадинг,  
Бағринг тошми, шафқат раво қилмадинг.  
Васлиниги деб кўнгил қуши афтода,  
Бағрим ёқиб, бир бор парво қилмадинг.

Назнимда сен оламда энг ягона,  
Хаёлигдан ўзга хаёл бегона.  
Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам излайман,  
Йўл пойлайман тошиб минг хил баҳона.

Тапхў ўтай ёр висолиниг ўйида,  
Тапша ўтган каби дарё бўйида.  
Ўртасаниг ҳам саломат бўл жаҳонда,  
Ёиса ёисни Зоҳиджон ишқ кўйида.

## ХУМОР АЙЛАБ

Мени сарҳуш қилиб ҳар зум хаёлинг,  
Насиб этгаймкин, дермап, висолинг.

Соғинчиит бирла кечди субҳи шомим,  
Хумор айлаб сеҳрли шўх мақолинг.

Ёниб ҳажрингда чиқсам йўлларингга,  
Кўнгил минг тўлғанур кўрсам мисолинг.

Еришмас ҳеч кўйингда ҳаста кўнгил,  
Еритмас эрса гар офтоб жамолинг.

Санамлар кўп ва лек сеп ўзга олам,  
Кўнгил кўзгусидан кетмас камолинг.

Зоҳиджон дер сени жону жаҳоним,  
Муродим мулкидир лафзи ҳалолинг.



## ВИСОЛ АЙЁМИДИР

Чаманларда наво ўйнар,  
Кўнгилларда сафо ўйнар,  
Баҳор шавқ бошлаган дилда  
Жўшиб соннинг садо ўйнар.  
Фалак нур тошқинини бошлаб,  
Ниҳоллар уйқунни ташлаб,  
Рақс машқ айлабон гуллар,  
Қилиб позу адо ўйнар.  
Бу дам васли висол айёмидир  
Чиққил чаманларга,  
Йўлингда нитизор қалбим  
Сени деб бехато ўйнар.  
Эсиб шаббодалар ҳар зум,  
Этиб гул, гунчалар таъзим,  
Табнат кўрк очиб маъсум,  
Қилиб ўзни фидо ўйнар.  
Зоҳиджон сенга очмоқни  
Тилар, дил дафтари бордир,  
Бўлурга дилкашу дилдор,  
Юракда минг нидо ўйнар.

## МАЖНУНТОЛ

Соҳилдаги мажнунтол,  
Сен не учун маъюс лол.  
Бош солурсан ҳампша  
Қўзғаб дилда минг хаёл.

Мен бўлсам ишқ кўйида  
Турурман сой бўйида.  
Иккимиз ҳам паршон —  
Сен баланд, мен қуйида.

Бўз тўрғайдай дил бўзлар,  
Ёрга маҳтал бу кўзлар.  
Ой чиқди ой жамолим  
Нега чиқмас, тез сўзла.

Соҳилдаги мажнунтол,  
Иккимиз ҳам маъюс, лол.  
Мен ёр кутдим, сен нечун  
Бош солурсан, айта қол.



## ТАРОНАМ

Елларнинг кафтида учгил, таронам,  
Боғлардан боғларга кўчгил, таронам.  
Дил ўртаб висолга питизор этган  
Ёр қалбни тилсимдай очгил, таронам.

Сен қуёш бўлгини, кўнглига нур соч,  
Сен баҳор бўлгини, қалбида гул оч.  
Василимга етаклаб, меҳрдан йўл оч,  
Эй, меннинг сойлардай тошқин таронам.

Чўл келса чекимма, ташна бўлиб ўт,  
Тоғ келса толқимма, ошно бўлиб ўт.  
Сув келса сўнамасдан, яшноқ бўлиб ўт,  
Вафо деб авж қилган жўшқин таронам.

## НАВО ҚИЛМА

Ғар қапотнинг бўлмаса, қўй, ҳаво қилма,  
Ишқда қуймай муҳаббатдан наво қилма.  
Чоғнинг борми ишқ кўйида кўкни кўзлаб,  
Ўз бошингга маломатни раво қилма.  
Чин муҳаббат бемашаққат йўлни билмас,  
Уч-тўрт қулиқ шайдоликни кўзга илмас.  
Ёнар бўлсанг, чиндан ёнгил, ишқ савдоси —  
Унча-мунча ёнишларни писанд қилмас.  
Ёнгил-елик кўнгил ҳуши бахт берурми,  
Ўлдим-куйдим деган сўзлар аҳд эрурми.  
Хушомадга бой берса ким кўнгил қушини,  
Ишқ боғидан беҳижолат гул терурми.  
Асл одам аҳдли бўлур ёшлик чоғдан,  
Қадр тошиб, эоз кўрар сўлу соғдан.  
Зоҳиджон дер, бурди йўқлар бир умрга  
Қутулолмас дилга армон солган доғдан.

## КЎЧАЛАР

Кўчалар, о кўчалар, ҳар он достон кўчалар,  
Не спру не-не синоатларга ошён кўчалар.  
Ҳар киши чиқмиш сенинг саҳнингга не ўйлар  
билаш,  
Не хаёл, не-не умидга бергай имкон кўчалар.  
Топди бахтин ким бу йўлдан, ким йўқотди борни,  
Кимга зиндон, кимга бўстоп, кимга чистон кўчалар.  
Кимки кетса сўнгги йўлга маъюсу, нолон қолиб,  
Кимки келса бу жаҳонга шоду, хандон кўчалар.  
Оғуш очдинг байрам они турфа зийнатлар билат,  
Тўй-томошалар ярашган роҳати жон кўчалар.  
Ошиқ аҳли ўтмасин саҳнинг аро маъюсланиб,  
Бўлмагил ишқ аҳлига шому ғарибон кўчалар.  
Чиқди Зоҳиджон дилига жо этиб эзгу тилак,  
Тантилик қил, этма сарсон эй, қадрдон кўчалар.

## ЕДНИНГ БИЛАН

Кўнглинг топсам ярқираган пешонаман,  
Васлингни деб ҳар синовга нишонаман.

Еднинг билан кечар умрим лайлу наҳор,  
Чўл ичра ҳам сен-ла соҳиб қошонаман.

Муҳаббатинг давлатини этдинг насиб,  
Бу бахтимдан жудо этма, афсонаман.

Дил бўстопини баҳори бўл, боғбони бўл,  
Бу бўстопни ҳазон этма, сўзонаман.

Меҳринг қанот ишқ кўкига ҳаволандим,  
Ишқим ерга урсанг, қайдаш дош оламан.

Зоҳиджон чин шоҳидимдир, лафзим ҳалол,  
Еднинг билан бир умрга мастонаман.

## КЕЛСАНГ-ЧИ, ГУЛНОР

Оқшом кирди сафоли, юлдузли оқшом,  
Тоғ узра чеҳра очди ой юзли оқшом,  
Жонон, висол чоғидир, унутма зинҳор,  
Барглар тутар кафтида бол тусли оқшом...  
Кела қол, Гулнор,  
Келсанг-чи, Гулнор!

Олмос бўлиб ярқирар тоғлар қояси,  
Йўллариинга бош урар боғлар сояси.  
Чодир солиб имлайди сирли қайрағоч,  
Бизга, муштоқ сой бўйин иллапояси.  
Кела қол, Гулнор,  
Келсанг-чи, Гулнор!

Шу ой, юлдуз остида ким ўй сурмаган,  
Кимлар ишқ чапқоғида суҳбат қурмаган.  
Кутар хилват оромгоҳ, илк васлимизни  
Ҳали ойдилли оқшом бир бор кўрмаган...  
Кела қол, Гулнор,  
Келсанг-чи, Гулнор!



## ИЎҚ, СЕН АЙТГАН ҚУШМАСМАН

Йўқ, сен айтган қушмасман,  
Йўқ, сен айтган қушмасман.  
Ҳар бир имо домига  
Қанот қоқиб тушмасман.

Эрмак учун қўлингга  
Туширсанг, сайрамасман.  
Рози бўлгум ўлимга,  
Минг ёлвор яйрамасман.

Менда ғурур, номус бор,  
Қўлдан-қўлга ўтмайман.  
Билмасдан бўлма хуштор,  
Ранжисанг, овутмайман.

Йўқ, сен айтган қушмасман,  
Йўқ, сен айтган қушмасман,  
Қисматимни арзимас  
Қушлар билан қўшмасман.

Оҳ-воҳлар этмас афсун,  
Хушомадга ҳушим йўқ.  
Эсим огдирмас ҳусн,  
Ганнозлар-ла ишим йўқ.

Қўзларим тиндиrolмас  
На доврўғу на давлат.  
Измга индиrolмас  
На мапсабу на савлат.

Йўқ, сен айтган қушмасман,  
Йўқ, сен айтган қушмасман,  
Кўнгил бериб тушдимми,  
Қайтиб яна учмасман.

Тирик бўлсам севгисин  
Асрагайман жонимда.  
Ўлсам агар, севгисин  
Кетгай устухонимда.

Ишқимни айлаб ардоғ,  
Минг кулфатдан ўтгайман.  
Меҳримни айлаб чароғ,  
Минг зулматдан ўтгайман.

Йўқ, сен айтган қушмасман,  
Йўқ, сен айтган қушмасман,  
Шўхликларим бор, аммо  
Дил ҳушига ўчмасман.



## БУ КҰНГИЛ

Бу кўнгил ишқ боғида бир  
    яйраган шод қуш эди,  
Қайда қолди ул фароғат,  
    ё кўринган тушмиди.  
Ёр висоли бахти бирлан  
    қувнар эрдим ул замон,  
Кўзга яшнар эрди олам,  
    эс-қушим сархуш эди.  
Лаҳзалик ҳижронга тоқат  
    этмас эрдик зарра ҳам,  
Кўрмасак бир зум, ҳувиллаб, —  
    теграмиз бўм-бўш эди.  
Энди мен ул севги боғи  
    ичра танҳо кезмишам,  
Қайда авжим, сен билан бу  
    қалб қаноғи қўш эди.



## БЕГОНА ҚИЛМА

Фирогнинг даштида сўзона қилма,  
Эл ичра бўзлатиб афсона қилма.

Вафодап этган эрдинг аҳду паймон,  
Бузиб аҳдинг, дилим вайрона қилма.

Ёвузлар йўқ эмас, шумларни зинҳор,  
Висолнинг шаъмига парвона қилма.

Хушомад ишқ эмас, макру гараздир,  
Сен ўз қадринг ўзинг остона қилма.

Келиб писофа Зоҳиджонни зинҳор,  
Висолнинг бахтидан бегона қилма.



## КЎЗ НИГОРОИ КЕЧАЛАР

Сен кетиб мен бунда ҳайрон,  
дил паришон кечалар,  
Суратингдан ўргилиб жон,  
кўз нигорои кечалар.  
Босмаси дил гулшани куз,  
сен ўзинг бахш эт баҳор,  
Ўйларим тўзган ҳазондек  
учди ҳарён кечалар.  
Сен билан олам мунаввар  
йўқдир армоним менинг,  
Бўлмасанг йўқдир фароғат,  
ўртанур жон кечалар.  
Билмас эрканман висолниг  
давлатини қадрини нигор,  
Бир боқиш бирлаи кўнгилини  
эт чароғон кечалар.  
Чинқди Зоҳиджон йўлинига  
кўз тутиб ҳар субҳи-шом,  
Мунтазирдир сайримишга  
юлдузистон кечалар.



## НАЙЛАЙ ДИЛ УЗИБ БЎЛМАС

Сен кетдинг, фироқ қолди  
Доғингда дилим бирён,  
Йўлингда нигоҳ қолди,  
Куйингда кўзим гирён.  
Хажр ўтди ширин жондан,  
Қутқаргил гумонлардан.  
Сен кезган чапанлардан  
Изларман бўлиб сарсон.  
Аввалда олиб ақлим,  
Васлинг дер эдинг аҳдим,  
Охирида ёқиб бахтим  
Этма кўн дилим вайрон.  
Сайрарми гулсиз булбул,  
Ййрарми сенсиз кўнгил,  
На илож, боғ аро гул  
Булбул деб ўртамас жон.  
Найлай дил узиб бўлмас,  
Ишқ тоғин бузиб бўлмас,  
Зоҳиджон тўзим билмас,  
Кўнгилга этиб фармон.



## ЖОН ТАСАДДУҚ

(Лапар)

Қ и з:

Пинҳоний рашким билан,  
Ниҳоний ашким билан  
Соғиндим, соғиндингму  
Дитдаги тошқин билан?

Й и г и т:

Соғиндим сендан ортиқ,  
Кўнглим кўнглингга тортиқ.  
Қалбдаги қуёш билан  
Бўлсин бу жон тасаддуқ.

Қ и з:

Богбон бўл, бўстон бўлай,  
Қадрингни осмон билай.  
Сен билан қўш қофия  
Севгида дoston бўлай.

Й и г и т:

Кўнглим ишқинг қўлида,  
Авжларим бор йўлида.  
Қўрқаман қолдирма деб,  
Бир кун ҳижрон чўлида.

Қ и з:

Ҳижрон чўлида эй, ёр,  
Еқмам дилингни зинҳор,  
Ўзга булбул қўнолмас  
Ишқим гулига бир бор.

## И к к и с и :

Гул яшнар баҳор билан,  
Қўнгил вафодор билан.  
Бахт яралар садоқат,  
Меҳнат, номус-ор билан.

## ЮРАРМИШ

Бир париваш шайдо этиб,  
хўзир айлаб юрармиш,  
Бу ҳолимдан мағрурлашиб  
зимдан яйраб юрармиш.  
Ишқ савдоси душвор экан,  
У бўлса-чи доғ этиб,  
Бепарвадай атай мепи —  
ишсиз бойлаб юрармиш.  
Энди билсам садоқатим  
спар эмш ишхона  
Минг шукурким мойил экан,  
аста пойлаб юрармиш.  
Сир бой бермай соғинармиш,  
тушларида кўрармиш,  
Қисқа йўлин олис айлаб  
кўчам бўйлаб юрармиш.  
Тушларидан қўрқар эмиш,  
аёл туши терс эрур,  
Қўрқмасин ёр, Зоҳиджон чин—  
ишқни ўйлаб юрармиш.

## ЎЙНАР ОҚШОМ ШАМОЛИ

Бог айлашиб шовиллаб, тиним билмай сой оқар,  
Сен келмадинг, ҳувиллаб, висолгоҳ маънос боқар.  
Сувчи йиғит хаёлинг қайтадан бағрим ёқар,  
Сойдай кўнгли ўйнайди,  
Кетмоққа дил қўймайди.

Бу соҳилда бош эгиб, хаёл сураб мажнунтол,  
У соҳилда бир чинор мағрур турар кўн хушхел.  
Мажнунтолдай наришон этма ёр, кўргиз висол,  
Бўлма мағрур чинордай,  
Кўнглимни чертма тордай.

Ғазал битиб, 'сени деб тунлари тикдим белбоғ,  
Ҳар нақшида меҳрим жо, гуллари ўймоқ-ўймоқ.  
Садоқатдан нишон бу, бунчалар бўлар суймоқ,  
Бунда интизорингман,  
Аҳди барқарорингман.

Хабар бериб ёримдан ўйнаб оқшом шамоли,  
Интизорлик кўйида қолмади дил мажолли.  
Осмондаги юлдузлар, айтнинг мен бунда холи,  
Зоҳиджон ҳумор келсин,  
Бахт айлаб нисор келсин.

## ОЛИСДАГИ ЁРИМГА

Олисдаги ёримга  
дилдоринг омон, денглар,  
Васлингга питизормиш,  
қайтгил ёр томон, денглар.  
Гуллар узиб кутармиш,  
кўз узмасмиш кўчангда,  
Кўнгил узиб кетолмай,  
ҳар кун нигорон, денглар.  
Мактубинг суриб кўзга,  
ёдинг билан кезармиш,  
Минг хил гумон эзармиш,  
етар имтиҳон, денглар.  
Бирга юрган чамашлар  
сенсиз маъюс, паришон,  
Фирогинг ўтди жонда,  
ҳажринг беомон, денглар.  
Ишқингда ёниб тинҳон,  
Зоҳиджон бунда ҳайрон,  
Сен унда шоду хандон,  
бас энди ҳижрон, денглар.



## САЙРИ БОҒ ЭТСАК НЕТАР

Навбахор чорлайди хуррам, сайрибоғ этсак нетар,  
Пағмасоз қушлар куйидан дилни чоғ этсак нетар.  
Қир-адирлар майса ёймиш, жўр илгоҳ этсак нетар,  
Лолазор тутмишди ёқут жом фароғ этсак нетар.

Ҳар тарафда минг тарофат, яшлаган наврўз етиб,  
Ғунчалар шох узра термиш бор бисотини гул этиб.  
Қайтадан ҳар ён яшармиш, қинги ҳорғинлик кетиб,  
Дардлашиб биз дилда ишқини шўх булоқ этсак  
нетар.

Оқ кийинган гуж келишдек бўлди яққол тоғлар,  
Қоматинг рост айламиш тепг тонг кўринган чоғлар.  
Сайр этайлик бирга-бирга, билмайин чарчоғлар,  
Севгимиздан суҳбат айлаб, тоғма-тоғ кетсак нетар.



## ҚАДР ТОНАР

Й и г и т:

Ойдин булоқ бүйларида уйинг экан,  
Ййлов тўла қўзи билан қўйинг экан.  
Шу тоғлардек мунча мағрур бўлмасанг, ёр,  
Шафқатга кел, ишқ савдоси қийин экан.

Қ и з:

Қадр тонар севги меҳру вафо билан,  
Чидармисан, ишқ ёнма-ён жафо билан.  
Чўнон йингит, синаб кўрай, сўраб кўрай.  
Ййловда қол, тоғ тутанур само билан.

Й и г и т:

Қол десанг гар, қолай бунда сўзи қаймоқ,  
Ота мерос менга тоғда нода боқмоқ.  
Сўраб кўр ёр, синаб кўр ёр, йўқ демайман,  
Юрагимга муҳаббатинг урди чақмоқ.

Қ и з:

Булбул учса гариб бўлиб гул қолади,  
Ҳозлар учса лойқаланган кўл қолади.  
Ишқ машғалини сўзда эмас, амалда ёқ,  
Гулхан ўчса, фақат совуқ кул қолади.

Й и г и т:

Булбул бўлиб гулдан-гулга учганим йўқ  
Ҳозлар каби кўлдан-кўлга кўчганим йўқ.  
Ўт эмасман, ёниб ўчсам, дил тилсинми  
Сенга очдим, бошқага ҳеч очганим йўқ.

## И к к и с и:

Севишмоққа икки дил теги бўлсин ташна,  
Аҳил кўриб эл-юрт десин яйра-яшна.  
Ишқ мулкнини обод этмоқ мардлар иши,  
Дош беролсанг, дадил бирга қадам ташла.

## ЭТИБДУР

Жоду кўз ёр ҳушим олип  
зор, интизор этибдур,  
Ваъдасида турмай ҳапуз  
нозини бисёр этибдур.  
Ҳар кўрганда жилва айлаб  
босиб ҳоврим ўтинни,  
Ғамза айлаб, аламларим,  
авжин бекор этибдур.  
Висолгоҳда кўз тутарман  
тургайми деб аҳдида,  
Яна келмай дарду ғамга  
боз гирифтор этибдур.  
Қутмагайман, энди бас деб  
қасд айладим печа бор,  
Ўз ҳолимга қўймай кўнгнил  
дардин душвор этибдур.  
Гумонларнинг гирдобида  
қолса ҳушим чарх уриб  
Ром этиб боз Зоҳиджонни  
девонавор этибдур.

## ЎТСА ҚАТОР ТУРНАЛАР

Ўтса қатор турналар,  
Бағрим ҳар гал тирналар.  
Едга тушиб илк севгим,  
Дилда ҳамон қўрланар.

Турна учган чоғида  
Қолдим ҳижрон доғида.  
Бахтим қушин бой бердим  
Қолмади ишқ боғида.

Чертманг қалбим торини,  
Қўзгаманг дил зорини.  
Ҳеч ким мендек ўртамас  
Йўқотиб ўз ёрини.

Ўтса қатор турналар,  
Қалбим ҳамон тирналар.  
Турна қайтар, ёр қайтмас,  
Ишқим мудом қўрланар.



## ЁР ХУМОРМИДИР

Сеҳргарсан баҳор мунчалар,  
Қайдин сенда афсуи шунчалар.  
Дил тубида очмишсан сирли  
Алланечук ажиб гунчалар.

Сен мафтункор бир эртак мисол,  
Мен сеҳрингда бу дам сархуш лол,  
Дилда севги гулхани ёқиб,  
Ўртагайсан қўзгаб минг савол.

Баҳор. ишқда бахтим бормидир,  
Висолимга ёр хумормидир.  
Ўтдан-ўтга ташлайди хаёл,  
Ишқ йўлида висол ёрмидир.



## ҚОЛМАДИ

Интизорлик ўтди жондан,  
Дилда дармон қолмади.  
Ахтариб йўлларга чиқдим,  
Ўзга имкон қолмади.  
Изларинг тонмай шигорон  
Бунда ҳайронинг ўзим,  
Эс-ҳушим чарх урмаган бир —  
Дашт биёбон қолмади.  
Ўрташиб гулшанга кирдим,  
Ғунчалар лаб қимтиди,  
Бирга юрган, бирга кезган  
Бог-ҳиёбон қолмади.  
Севги бир офтоб эканким,  
Бўлмагай айлаб ниҳон,  
Найлайини элдан бу ишқим —  
дарди ишқон қолмади.  
Кел, бу Зоҳиджонни ҳижрон  
Доғиди этти халос,  
Ўргилиб минг, қувлаб айтай:  
Энди армон қолмади.

## БАҒРИНГ ЁҚАЙ НОЗ БИЛАН

(Қиз қўшиғи)

Ўсма тортиб қошимга,  
Лаб устига хол қўйдим.  
Келасан деб қошимга,  
Дуррачамни дол қўйдим.

Тоғ оралаб ой боқар,  
Аҳдинг ёдда бормикин.  
Шовқин солиб сой оқар,  
Кечиб ўтган ёрмикин.

Десанг кечиб ўт ёрим,  
Ўтай дашту дарёдан.  
Васлинг қатъий қарорим,  
Аҳдим меҳру вафодан.

Минг кўз бўлиб юлдузлар,  
Кенг осмондан боқади.  
Ёр васли деб дил бўзлар,  
Ишқинг бағрим ёқади.

Кўп кутдим мен рост билан,  
Энди айтар арзим бор.  
Бағринг ёқиб ноз билан,  
Тинчинг олай азиз ёр.

## ЎТГА ТАШЛАБ

Ҳар гал дилда ўтлар ёқиб,  
    ўчирмасдан кетарсан,  
Бу оташга ташлаб қўйиб,  
    зору ночор этарсан.  
Нега сирли, сирли боқиб  
    нозли нигоҳ ташладинг,  
Ишқ савдосини бошлаб қўйиб,  
    айтчи, энди нетарсан?!  
Единг билан яшар бўлдим,  
    сен кўришган чоғлардан  
Оқшомлари уйғоқ чиқиб,  
    ҳажрингда дил доғларман.  
Ишқ кўйида бахтим борми,  
    йўқми асло билолмам,  
Насиб этгай висолинг деб,  
    ҳапуз умид боғларман.  
Ўзинг ёққан ўтдан ўзинг  
    қутқармасанг пажот йўқ,  
Юз бурсанг гар маломатдан  
    ҳаловатли ҳаёт йўқ.  
Зоҳиджоннинг саҳро дилин  
    Шафқат бирла тоғ айла,  
Қаддин кўкка кўтармоққа  
    меҳринг қадар қанот йўқ.

## ТҰЙ ӨР-ӨРИ

### Қ и з л а р :

Тоғдан кийик қочирдим,  
Сойга тушди, өр-өр.  
Менинг севган дугонам,  
Қайга тушди, өр-өр.

### Й и г и т л а р :

Қайга тушди деманглар,  
Ишқ боғига, өр-өр.  
Энди ўрни қолмайди  
Дил доғига, өр-өр.

### Қ и з л а р :

Ойдин кўлдан гоз учди,  
Гир айлашиб, өр-өр.  
Келин бўлди дугонам  
Дил бойлашиб, өр-өр.

### Й и г и т л а р :

Қуёв тўра йигитлар  
Ичра сара, өр-өр.  
Ким өр тутса армони  
Қолмас сира, өр-өр.

### Ҳ а м м а с и :

Муҳаббатли турмушдан  
Охор кетмас, өр-өр.  
Севишганлар ишқидан  
Баҳор кетмас, өр-өр.

## ТҮҮ АЛЁРН

Давралардан давраларга күчсин бу алёр,  
Икки дилни бир-бирига қўшсин бу ёр-ёр.  
Меҳру вафо очди нурли янги бахтхона,  
Майлар тутиб янгратайлик сафоли гулёр.

Яйратсин бахтли йиллар,  
Мудом оқ бўлсин йўллар.  
Келин-куёв бошидан,  
Келинг, сочайлик гуллар.

Қадаҳларнинг жарапгидан зеболац, оқшом,  
Шўх қўшиқлар оҳангидан зиёлан, оқшом.  
Гул сочилсин, нур сочилсин вафо йўлига,  
Бахти кулган чеҳралардан жиолоан, оқшом!

Яйратсин бахтли йиллар,  
Мудом оқ бўлсин йўллар.  
Келин-куёв бошидан,  
Келинг, сочайлик гуллар.

Завққа тўлсин, шавққа тўлсин шўхланган диллар,  
Тўйхонанинг машъалидан чўғланган диллар.  
Ишқ уйининг остонаси тиллодан бўлсин,  
Алёр айтнинг, садоқатга чоғланган диллар.

Яйратсин бахтли йиллар,  
Мудом оқ бўлсин йўллар.  
Келин-куёв бошидан,  
Келинг, сочайлик гуллар.

## МУНДАРИЖА

Авж қилсам дейман . . . . .	3
-----------------------------	---

### ШАРАФЛАЙМАН


Шоҳи сўзана . . . . .	4
Партия, сен шонимиз . . . . .	5
Бахтиомамиз таронаси . . . . .	6
Уч мағрур қуш, мағрур қуш . . . . .	7
Хиёбондан ўтганмисиз . . . . .	8
Бол забоним онажон . . . . .	9
Дўстларга тутаман . . . . .	10
«Оқ олтин» карвон-карвон . . . . .	11
Бўз ердаги бўз йиғит . . . . .	12
Азим дарё . . . . .	13
Кўнглим қарши чўлида . . . . .	14
Зар уйнайди Зарафшон . . . . .	15
Чорвоқдан довруқ солай . . . . .	16
Меҳр бўстони . . . . .	17
Давра таронаси . . . . .	18
Ўзбекистон қуйлагай . . . . .	19
Мирзачўлнинг қизимаи . . . . .	19
Гўзал Фарғонам менинг . . . . .	20
Мунча иссиқ экан юлдузинг . . . . .	21
Яшна Жаззах жамоли . . . . .	22
Дугонажон . . . . .	23
Марди майдонлар яшанг . . . . .	23
Дўстлар дийдори . . . . .	25
Нашъанавоз айёмлар . . . . .	25
Ешлик қўшиғи . . . . .	26
Чўпон қиз қўшиғи . . . . .	27
Бахт қўшиғи . . . . .	28
Она юрт, армоним йўқ . . . . .	29
Мураббийлар . . . . .	30

Ой бориб, омон қайтшиг . . . . .	31
Хуш келибсиз, ўғлошим . . . . .	32
Қора кўзлар . . . . .	33
Бўстон бўлур . . . . .	34
Ўлан . . . . .	35
Кўзим йўлиғда . . . . .	37
Кечалар юлдуз санаб . . . . .	38

## МЕҲРУ ВАФО БЎСТОНИДА

Қалбим ўтовда қолди . . . . .	39
Ишқим тушди ёр-ёр . . . . .	40
Демайман . . . . .	42
Айб этма . . . . .	43
Бевафони севманглар . . . . .	44
Келмасму . . . . .	45
Ўт тушди ширин жона . . . . .	46
Ишқингда бағрим бирён . . . . .	47
Нориндек шўх гўзалсан . . . . .	48
Доно бўлиб кел . . . . .	49
Ёр висоли кўйида . . . . .	49
Куйла, дилкаш дуторим . . . . .	50
Хумор айлаб . . . . .	51
Висол айёмидир . . . . .	52
Мажнунтол . . . . .	53
Таронам . . . . .	54
Наво қилма . . . . .	54
Кўчалар . . . . .	55
Единг билан . . . . .	55
Келсанг-чи, Гулнор . . . . .	56
Йўқ, сен айтган қушмасман . . . . .	57
Бу кўнги . . . . .	59
Бегона қилма . . . . .	60
Кўз нигорон кечалар . . . . .	61
Найлай дил узиб бўлма . . . . .	62
Жон тасадуқ . . . . .	63
Ўйнар оқшом шамол . . . . .	65
Олидаги ёримга . . . . .	66
Сайри боғ этсак нетар . . . . .	67
Этибдур . . . . .	68
Қадр топар . . . . .	69
Ўтса қатор турналар . . . . .	70
Ёр хумормидир . . . . .	71
Қолмади . . . . .	72

Бағринг ёқиб ноз билап . . . . .	73
Ўтга ташлаб . . . . .	74
Тўй ёр-ёри . . . . .	75
Тўй алёри . . . . .	76



0—14

Обидов, Зоҳиджон.

Ќуйла, дилкаш дуторим. Ќўшиқлар.—  
Т., «Ёш гвардия», 1983.—80 б.

Абидов З. Песня души. Песни.

Уз2

На узбекском языке

ЗАХИДЖАН АБИДОВ

ПЕСНЯ ДУШИ

Песни

Редактор Султон Жаббор

Рассом Б. Хайбулин

Расмлар редактори Р. Зуфаров

Техн. редактор Г. Аҳмаджонова

Корректор М. Ортиқова

ИБ № 1192

Босмахонага берилди 11. 11. 1982 й. Босишга рухсат этилди 17. 02. 1983 й. Формати 70×90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Р-18033. 1-босма қоғозга «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 2,5. Шартли босма листи 2,92. Нашр. листи 1,93. Тиражи 10 000. Буюртма № 34. Шартнома № 88—82. Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмахона. Янгийўл шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44. 1983 йил.

А  $\frac{70403-19}{356 (04) - 83}$  49—83 4702570200